

## ҲОТИФИЙНИНГ НАВОИЙГА БАҒИШЛАНГАН МАДҲИЯСИДА КОМИЛ ИНСОН ТАСВИРИ

**Жўраева Нигора Ниёзбобоевна**  
Ўқитувчи, Хужанд давлат университети

Абдулло Ҳотифий (1454-1521) машҳур лирик ва эпик шоирдир. У Хирот адабий муҳитида камолга етган. Улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий ва буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий унинг устозлари эди.

Ҳотифий хамсачиликдаги Жомий ва Навоий анъаналарини давом эттириб, «Хамса» яратган. Унинг «Хамса»си «Лайли ва Мажнун», «Ширин ва Хусрав», «Ҳафт манзар», «Темурнома», «Футуҳоти шоҳий» ёки «Шоҳнома» дostonларидан иборат.

Ҳотифий «Хамса»сидаги «Лайли ва Мажнун» унинг энг мукамал дostonларидан биридир. Бу дoston Алишер Навоийга бағишланган. Буни Ҳотифийнинг замондоши Хондамир ҳам таъкидлайди (1,56). Дoston муқаддимасида «Дар таърифи Мир Алишер» («Мир Алишер таърифида») сарлавҳали махсус боб борки, у ҳам Ҳотифий асарининг Навоийга, яъни ўз идеалидаги комил инсонга бағишланганлигини тасдиқлайди (2,26-27).

Ҳотифий дostonининг Навоийга бағишланиши ва унда улуғ ўзбек шоири алоҳида бобда мадҳ этилиши бежиз эмас эди. Чунки Ҳотифий Навоийнинг энг яқин ва истеъдодли шогирдларидан бири эди. Шу сабабли Навоий шогирди камолоти учун жуда кўп меҳнат қилиш, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган эди. Бундан ташқари, Навоийнинг Ҳирот адабий муҳити ривожи учун қилган ишлари, мамлакат тинчлиги, халқлар дўстлиги ва фаровонлиги, илм-фан, адабиёт ва санъат тараққиётига қўшган ҳиссаси, шоир, олим, тарихчи, таржимон сифатида яратган етук асарлари Ҳотифийда улуғ ўзбек шоирига нисбатан юксак эҳтиром уйғотган эди. Шунинг учун ҳам у ўз дostonини Навоийга бағишлаб, унда улуғ шоирни алоҳида бобда мадҳ этади.

Ҳотифий мадҳиянинг дастлабки мисраларида Навоийни комил инсон сифатида улуғлаб, ўқувчини у билан таништиради:

Эй, тўғий нотики сухангўй,  
Чун оина менамоядат рўй.  
Бардор ба мадҳаш аз забон банд,  
Аз оина дар ҳичоб то чанд.  
Оина магў, ки меҳри афлок  
Бар даргоҳи ў якест бо хок.  
Моникалами Қубодшамшер,  
Яъне, ки Низомиддин Алишер (2,26).

(Эй моҳир нотик, ширинсўз тўти, юзинг оина каби ёркин кўринади. Оинадан пардаларни кўтарган сингари, унинг (Навоийнинг) мадҳига тилингни очгин. Оина дема, фалакдаги куёш унинг даргоҳида тупроқ билан тенгдир. Унинг қалами Моний (буюк рассом, олим ва пайғамбар) қаламидек (буюк асарлар яратувчи, уларнинг таъсирчанлиги) Кубод (Эроннинг машхур сосоний подшоси)нинг ўткир шамширидек бўлган (буюк сўз устасидирки), унинг номи Низомиддин Алишердир).

Ҳотифий фикрини давом эттириб, Навоийнинг юксак мавқеи ва буюк олижаноб фазилатларини бирма-бир тилга олади:

Хуршеди сипехри некхоҳй,

Ҳамсоия сояи илоҳй.

Бунёди нуҳ бинои шоҳон,

Авранг даҳ чаҳон паноҳон.

Ғаввоси муҳити нуктадонй,

Саррофи чавоҳири маонй.

Мачмуаи ақди ҳушмандон.

Дебочаи фазли сарбаландон.

Меъмори сирочаи адолат,

Вайронқуни хонаи батолат (2,26).

(Ҳаммага) яхшилик истовчи фалак куёши, Аллоҳнинг ердаги сояси (подшоҳ Ҳусайн Бойқаро) унинг қўшнисидир. У подшоҳларнинг тўққиз қаватли (мустаҳкам, осмонўпар) биноси курувчи, дунёга паноҳ бўлувчиларнинг ўн (пояли) тахтидир. Нуктадонлар (буюк шоирлар) муҳитининг етук дур терувчиси ва маъно гавҳарлари (юксак асарлар)нинг яратувчисидир. У (барча) донолар ақлининг умумлашмаси ва улуғ мартабалиларнинг мукамал дебочасидир. У адолат мулкининг нурли меъмори ва танбаллик хонасини бузувчисидир).

Мадҳия давомида Навоийнинг буюк кишиларга хос хоксорона яшаш тарзи, эл-юрт манфаати йўлидаги олижаноб интилишлари ёритилиб, Ҳақ йўлида кўрсатган фидойиликлари эҳтиром билан кўрсатиб берилади:

Далқи башарй фиканда аз бар,

Тоқи малакй ниҳода бар сар.

Дар хилъати дин малакмисоле,

Аз ҳар тараф истиншболе.

Оварда ба пои минбар оҳанг

В-аз пояи тахти шоҳияш нанг.

Дар гўш гирифта халқаи зикр,  
 В-аз халқаи зарнигор бефикр.  
 Шуста паи хўрдани ғами дин,  
 Дафт аз умарову аз салотин (2,26).

(Унинг елкасида (дарвешларнинг хоксорона) либоси, бошига эса фаришта тожини кўндирган. Дин либосида малакларга ўхшаб, ҳар томондан (бошқаларни ўзига) жалб этади. Сўзлаш учун унинг минбар поясига кўтарилганини кўрганда шоҳ ҳам тахти поясига ўтиришга номус қилади. Унинг зикрига қулоқ тугилса, тилла халқанинг (ёқимли) овози эшитилгандай бўлади. Дин ғамини ейиш йўлида амирлар ва султонлардан кўлини ювиб кўлтиққа урган).

Ҳотифий Навоийнинг дин ривожини, халқ манфаати йўлидаги ишларида ўз манфаати бўлмаганини, барча ишлари поклик ва комилликка қаратилганини мамнуният билан таъкидлайди:

Бо хотами Чам нагашга побаст,  
 Дар хотами анбиё зада дафт.  
 Аз доираи фано бувад шод  
 В-аз зиннати гардболаш озад.  
 Аз фарқ фиканда афсари зар,  
 Бар хишти ниёз мениҳад сар.  
 Мехост ба чашм н-оядаш дур,  
 Кард аз дури ашк дидаро пур.  
 Аз оби ду чашми покбинаш,  
 Сарсабз бувад дарахти динаш.  
 Дар манъи шароб то камар баст,  
 Чуз чашми бутон надид кас маст.  
 Чавре, ки ба даври ў кунад кас,  
 Он ғамзаи ёр бошаду бас (2,26).

(У Жамшид (афсонавий подшоҳнинг сеҳрли узугига боғланиб қолмаган. (Балки) набилар хотами (Муҳаммад пайғамбар)га ўзини боғлаган. У ўзлигини йўқ қилганидан шод ва ўзини зийнатга ўрашдан озаддир. Ўз қадрини ерга уриб, бошини ғиштга қўйиб ётади. Кўзи қимматбаҳо дурга тушмаслиги учун дийдасини ёшга тўлдириб юради. Икки пок кўзидан окқан ёшларга динининг дарахти кўкариб туради, Шароб ичмасликка бел боғлагандан буён ҳеч кимнинг кўзи маст кўзлиллар (гўзаллар)дан бошқага тушмади. Унинг замонида **жабр** қилувчи фақат ёрнинг ғамзаси бўлиб қолди, холос).

Шундан сўнг Хотифий яна Навоийнинг комил инсонга хос фазилатлари, буюк шоирлик камолоти ва ниҳоятда гўзал хулқига тўхталади:

Дар фазлу хунар ягонаи даҳр  
 В-аз хулқу карам фасонаи шаҳр.  
 Оби Хизр он қадар, ки хоҳӣ,  
 Килкаш бинамуда аз сиёҳӣ.  
 Ҳар сатр зи килки дурфишонаш,  
 Қўест зи кулзуми баёнаш.  
 Маҷмуаи назми дилфиребаш,  
 Баҳрест, ки даҳр дода зебаш.  
 Лавҳи зару сабти аввали у,  
 Пешонии дилкашу ду абру  
 Лоли суханаш шакармақолон,  
 Сайди ғазалаш ҳама ғизолон (2,26-27).

(У илму ақл-идрокда даврнинг ягонаси ва комил хулқу саховатда мамлакатнинг машҳурдир. Қора қаламидан қанча хоҳласанг ўшанча Хизр суви (ўлганни тирилтирадиган оби ҳаёт суви) каби ҳузурбахш асарлар яратилади. Дур сочувчи қаламидан юзага келган ҳар бир сатр ариқча бўлса-да, маъносининг чуқурлиги денгиздекдир. Дилни мафтун этувчи шеърятти оламини беаган бир денгиздир. Унинг дилкаш пешонаси ва икки қоши ҳаёт зарварағига ёзилган нур сочувчи илк ёзувдир. Ширин сўзлиллар (буюк шоирлар) унинг сўзларига (асарларига) лол, барча кийиклар (гўзаллар) ғазалининг сайдидир).

Ҳотифий Навоийнинг шеърятдаги юксак маҳоратини таърифлаш жараёнида уни энг буюк шоирлар билан қиёслайди. Қиёсда у улуғ араб шоири Ҳассон ибн Собит (VII аср), улуғ форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (934-1021), улуғ озарбайжон шоири Хоқоний Ширвоний (1120-1198) ва улуғ ҳинд шоири Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325)ларни тилга олади. Бу бежиз эмас эди. Чунки улар лирик шеърят ва дostonнависликда ниҳоятда юксак даражага кўтарилган устоз шоирлар эди. Шу сабабли Ҳотифий Навоийнинг буюк шоирлари иқтидорини уларга қиёслаган ҳолда улуғлайди. Қиёс жараёнида Ҳотифий Навоийнинг бу улуғ шоирлардан ҳам юксакка кўтарилганини таъкидлаб боради:

Ҳассони араб кучост имрўз,  
 То бошад аз ў фасоҳатомўз.  
 Ку Фирдавсӣ, ки дар замона,  
 Лаб соз кунад ба ин тарона?

Ку Хоқонӣ, ки дар фасоҳат.

3-ин кони намак барад малоҳат?

Ку чодуи сеҳрсанчи Хусрав,

То шеваи сохирӣ кунад нав?(2,27)

(Араб Ҳассони қаерда бугун, токи ундан гўзал асарлар ёзишни ўргансин, Қани Фирдавсийки, шу замонда унинг ёзганларини куйлаш учун лабини созласа? Қани сўз сеҳргари Хусравнинг жодусики, сеҳргарлик (мафтун этиш) илмини ундан ўрганиб, янгилаб олса).

Мадҳни охирида Ҳотифий ўзига мурожаат эгиб, қўлидан келгунча Навоийни таърифлашга чорлайди. Бу фикрдан Ҳотифийнинг Навоийдан миннатдорлиги, унинг камолотида устозининг хизматлари беқиёс бўлганлиги сезилади. Ҳотифий фикрини давом эттириб, Навоийни таърифлаш осон иш эмаслигини ва ҳатто унинг бунга муҳтожлиги ҳам йўқлигини таъкидлайдики, бу муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шу фикри билан ҳам Ҳотифий яна бир марта Навоий сиймосида ўз мужассамини топган юксак даражадаги камтарлик, хоксорлик ва буюк инсонийликни махсус таъкидлайди:

Эй Ҳотифӣ, аз ту худ чӣ ояд,

К-он шони рафъро бишояд?

Не дархури васфи ў баёне,

Не лоики мадҳи ў забоне.

Он кас, ки ба чарх медиҳад тоҷ,

Бо як-ду ҳазаф кучост мўхтоҷ (2,27).

(Эй Ҳотифий, қўлингдан қанчалик келса, бу улуғ зотни васф этгин. (Аслида) унинг васфини баён этиш осон иш эмас, (зеро) бирор тилнинг таърифи унга лойиқ бўла олмайди. (Чунки) оламга тож бўлган у киши бир-иккита ўзгартирилиб айтилган таърифли сўзга муҳтож эмасдир).

Ҳотифий мадҳияси Навоийнинг буюк истеъдоди ва юксак инсоний фазилатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар**

1. Хондамир. Макорим улахлоқ. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
2. Ҳотифӣ А. Лайли ва Маҷнун.- Душанбе: Ирфон, 1967.
3. Шодиев Э. Навоий ва ёш тожик адиблари. - Ленинобод, 1969.
4. Навоий замондошлари хотирасида. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.